


Исроил ИБРОҲИМОВ

ФАРҒОНАДА
«ЎЗБЕК ИШИ»



ҚАНДАЙ
КЕЧГАНДИ?

Исроил ИБРОҲИМОВ

**ФАРҒОНАДА
«ЎЗБЕК ИШИ»
ҚАНДАЙ КЕЧГАНДИ?**

Ҳужжатли қисса

«Фарғона» нашриёти, 2004

Исроил ИБРОҲИМОВ

«Фарғонада «Ўзбек иши» қандай кечганди?» Хужжатли қисса.

«Фарғона» нашриёти. 2004 йил—32 бет.

Тарихдан маълумки, собиқ Совет Иттифоқи давлатида «тозалаш»нинг сталинча «услуби» миллий ўзлигини танишга интилган халқларни мутелиқда сақлаб туришнинг қонли воситаларидан эди. Сталиндан кейин ўтган «дохий» ва «дахо»ликка талабгорларнинг даврларида ҳам бу воситадан фойдаланишда давом этишди. Жумладан, ўтган аср саксонинчи йилларнинг ўрталарида Ўзбекистонга яна марказдан бостириб келган қора булутларнинг чақмоқларидан қанча-қанча хонадонларни яшин уриб, куйдирди. Бу гал юртимизни занжирбандликда тутиш учун «пахта иши»—«ўзбек иши»ни ўйлаб чикаришди. Ана шу бахона Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан тортиб, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимият идораларига «тозалаш» бошланди. Барча лавозимларга Марказдан Ўзбекистонда яшамаган, юртимизни билмаган «рахбарлар» десанти ташланди. Жумладан, област партия кенгаши 2-котиби бўлиб А. Барулин, Фарғона шаҳар ижроқўмига А. Лихолат исмли таг-тути йўқ ховлиқмалар раҳбар бўлиб олишди. «Тозалаш» ҳуқуқ-тартибот идораларини ҳам четлаб ўтмади. Фақат қонунлар асосида иш кўрган, «десантчи»ларнинг «сиёсий йўли»га кирмаган суд, прокуратура, ИИБ идоралари ходимларини лавозимидан четлатиш, уларнинг ўрнига «десантчи» ёки хайбаракаллачиларни тайинлаш одатий ҳолга айланди.

Ҳозирги кун кадрига етмоқ учун яқин ўтмишнинг аччиқ сабоқларини эсга олиш жоиз, деб ўйлаймиз.



© «Фарғона» нашриёти, 2004

ПРОКУРОР НЕГА ЛАВОЗИМИДАН БЎШАТИЛДИ?

1988 йил май ойлари эди, адашмасам. «Азот» бирлашмасининг «Кимёгар» газетасида ишлардим. «Известия» газетасида Федосеев деган сиёсий шарҳловчининг «Ўзбек иши» сарлавҳали мақоласини ўқиб, бўғзимга қадалган алам-изтиробни тўхта-та олмадим. Юртимизни балчиққа ботирган мақолага жавобан «Известия» иши» мақоласини ёздим. Мақолада ўттизинчи-қирқинчи йилларда Сталин қатағонини ёқлаб, кўкларга кўтариб, хайбаракаллачилик қилган «Известия» иши» қачон судда кўрилади, деган сатрлар бор эди. Бир гуруҳ мансабдорлар Марказнинг тайзиқи, «бер-бер», «кўпайтир-кўпайтир» деган талаби билан пахтани қўшиб ёзган, асл миқдорини ошириб кўрсатган, сохтакорлик қилган бўлсалар, бунга бутун ўзбек халқининг қандай даҳли бор, деб юракдаги дардни қоғозга тўқкандим. Мақола кўптиражли газетамизда босилиб чиққанидан сўнг корхона бош архитектори, ажойиб инсон Ёқубжон ака Ғофуров (ҳозир ташқи сув таъминоти цехида ишлайди) «Не-чук, дангал ёзворибсиз, шунча гапни» деб қолди. «Ҳеч қаерга сифмай, келган жойим шу, йўқотадиган нарсам йўқ» десам, мириқиб қулди. «Известия» қайда-ю, бор-йўғи минг нусха босиладиган кўптиражли газета қайда?! Бунга яхши билган ҳолда дилни тирнаган «айблов»га ўзимча «раддия» бериб, таскин топомқчи эдим, холос. «Ўзбек иши» деган тиг ўша пайтларда кўксига ботиб, дилини доғламаган кишилар камдан-кам бўлса ке-

рак. Шулардан бири—вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Миродил Фозилов эди.

У 1976 йили Тошкент Давлат университетини битириб келиб, Тошлоқ туман прокуратурасида иш ўрганувчи бўлиб иш бошлади. Охунбобоев (Ёзёвон тумани билан битта эди) туманида прокурор ёрдамчиси, Тошлоқ туман прокуратурасида терговчи бўлиб ишлади. Ёшлиги, иш бошлаганига энди етти йил бўлганига қарамай, истиқболли кадрлардан бири сифатида 1983 йили уни Тошлоқ тумани прокурори лавозимига тайинлашди. Миродил Фозилов ишни ёмон бошламаган, фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб протестлар, судга даъво аризалари киритиш миқдори кўпайган, жиноятчилик, оғир жиноятлар нисбатан камайган эди. Бироқ у прокурор лавозимида кўп ишламади. Орадан икки йил ўтмасдан Республика прокурори буйруғи билан эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди. Сабаби...

1984 йил кузида республика прокуратураси тизимида ҳам қора булутлар чарх ура бошлади. Бўрихўжаев (раҳматли) ўрнига Республика Бош прокурори лавозимига Москвадан А. Бутурлин деган «жаллод» «қиличи» ни яланғочлаб келди. Бунгача у собиқ СССР Бош прокуратурасининг ИИВ идораларида тергов ва суриштирувни назорат қилиш бошқармасининг бошлиғи эди. Унинг янги лавозимдаги дастлабки гапи шу бўлди: «Мен марказдан Республика прокуратураси тизимини «тозалаш» ваколати билан келдим. Изимга бўйсунмайдиган, маҳаллийчилик қиладиган ходимларга прокуратура идораларида ўрин йўқ. Керак бўлса, Бўрихўжаев тайинлаган барча прокурорларни ишдан ҳайдайман...»

Бу қуруқ пўписа эмасди. Прокуратура идораларидаги лавозимларни бирин-кетин Марказ ташлаётган «десантчи»лар эгаллай бошлашди. А. Бутурлин тергов бўйича ўринбосар лавозимига О. Гайдановни тайинлади. Кадрлар бўйича муовинликка аввал Г. Жуковни олиб келди, сўнгра ўрнига Москвадан Г. Кушнирни чақириб олди. 1984 йил ноябр ойида Фаргона вило-

ятига СССР Бош прокуратурасининг ходими, асли доғистонлик С. Салаутдинов деган югурдагини жўнатди. У келган заҳоти пахта тозалаш заводи бўлган ҳамма районлардаги аввал қўрилган жиноят ишларини титкилашга киришди. У пайтларда колхозларда йилда бир назорат тартибида текшириш ўтказилар, аниқланган ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилар ёки қонунбузилишни бартараф этиш учун тақдимномалар киритилар эди. Бир «тили ечилган» чоғда С. Салаутдинов тирноқ остидан кир қидираётганини тан олди: А. Бутурлин қанча кўп иш очиб, қанча кўп одамни қамаса, кўрқув солса, вилоят прокурори этиб тайинлашни ваъда қилган экан.

Тошлоқ туманида 3 та жамоа хўжалиги (колхозлар) да очилган жиноят ишлари пахта тозалаш заводида аниқланган қўшиб ёзишга бирлаштирилиб, тергов қилинмоқда эди. Вилоят прокуратураси тергов гуруҳига раҳбар этиб, Тошлоқ тумани терговчиси А. Мирзаев тайинланганди. 1985 йил феврал ойида СССР Бош прокуратураси тергов гуруҳи Ёзёвон момиқ (ватний) фабрикаси директори Холбўтаевни сўроқ қилганида, у гўё Тошлоқ пахта тозалаш заводининг тайёрлов бўлими бошлиғи Ғанижон Аҳмедов 150 минг сўм пора берганини тан олади. Порани гўё фабрика қабул қилиб олмаган пахтани кирим қилиш учун беради. Ана шу кўргазмага асосан 20 кишидан иборат «марказ» нинг тергов гуруҳи Ғ. Аҳмедовнинг Аҳпақ қишлоғидаги уйини ағдар-тўнтар қилиб, тинтув ўтказишади. Бироқ уйдан ҳеч нарса топиша олмайди. Шунга қарамай, уни Тошкент шаҳрига олиб кетиб, республика прокурорининг ўринбосари О. Гайданов санкцияси билан қамоққа олишади. Айблаш учун ҳеч қандай далил-исботларсиз 45 кун қамоқхонада сақлашади. Ана шу муддатда иккита тергов ҳаракатини ўтказишади. Биринчи сўроқда Ғ. Аҳмедов пора олганим ҳам, берганим ҳам йўқ, деб қатъий туради. Шундан сўнг уни Холбўтаев билан юзлаштириш ҳаракатини ўтказишади. Юзма-юз сўроқ чоғида афтидан Холбўтаевнинг виждони қийналиб, «Менга пора бер-

гани йўқ» деб Ғ. Аҳмедовга тухмат қилаётганини тан олади.

Ғ. Аҳмедовга айб эълон қиладиган далилларнинг ўзи йўқ эди. Бироқ «десантчи»лар ноиларини «ҳалоллаб» ейишлари, Марказга «пахта иши» бўйича очилаётган жиноят ишларини кўпиртириб, «рапорт» бериб туришлари лозим эди. О. Гайданов зудлик билан Тошлоқда тергов гуруҳи бошлиғи бўлиб турган А. Мирзаев ва прокурор-криминалист Н. Михеевни Тошкентга чақиртирди. Ғ. Аҳмедов ишини уларга топширди. Қандай қилиб бўлмасин, айбдор, деб топишни буюрди. Бироқ А. Мирзаев «десантчи»нинг дўқ-пўписасини бир четга йиғиштириб қўйиб, ўз билганича, қонуний тергов қилишда давом этди. Тошлоқ пахта тозалаш заводида ҳақиқатда пахтанинг намлиги, сифати каби ҳолатларни сохталаштириш, қўшиб ёзиш жиноятлари содир этилган, айбланувчиларнинг ўзлари ҳам бунга иқрор бўлишган эди. Лекин, Ғ. Аҳмедовнинг Холбўтаевга пора бериш жинояти уйдирмадан бошқа нарса эмасди. Тергов давом этаётган кунлари собиқ СССР Олий Совети Президиумининг Германия устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Фармонга кўра, уруш даврида орден-медал олган фуқаролар авф этилиши лозим эди. Ғ. Аҳмедов ҳам уруш даврида медал билан тақдирланганди. Бироқ медални ҳам, ҳужжатини ҳам йўқотганди. Бунинг устига уруш пайтида у ўн тўрт ёшли бола эди. Бунга аниқлик киритиш мақсадида СССР Олий Совети Тақдирлаш комиссиясига сўровнома жўнатилди. Унга келган, архив маълумотларига асосланган жавобга кўра, Ғ. Аҳмедов бошқа вояга етмаган болалар қатори чиндан фронт ортидаги меҳнати учун медал олганди. М. Фозилов ушбу ҳолат бўйича айбланувчини озод этиш юзасидан вилоят прокурорининг ўринбосари А. Галкинга мурожаат қилди. А. Галкин «Мен бўшатгани эмас, қамагани келганман деб», ўзини соқит қилиб, прокурор А. Отажонов ҳузурига бошлади. Вилоят прокурори Фармон шартларига тўғри келса, Ғ. Аҳмедовга Амнистияни қўл-

лашни топширди. А. Галкин «ҳа»ям, «йўқ» ҳам демади. Тошлоқ тумани прокурори М. Фозиловнинг қарори билан Ғ. Аҳмедов жиноий жавобгарликдан озод этилди. А. Галкин миқ этмаганининг сабаби ана шунда юзага қалқиб чиқди.

Июн ойининг бошида вилоят прокурори А. Отажонов, А. Мирзаев, Н. Михеев, М. Фозиловни Республика прокуратурасига чақиришди. Республика прокуратурасида «Пахта ишлари» бўйича алоҳида штаб тузилган, унга И. Читаков бошлиқ эди. Ўзининг эътироф этишича, қанча кўп жонбозлик кўрсатиб, қанча кўп одамни қамаса, А. Бутурлин муруввати билан Қрим области прокурори лавозимига тавсия қилиниши лозим эди. Маълум бўлишича, И. Читаков О. Гайданов ҳузурига кириб, «Аллақандай Фозилов деган район прокурори сизнинг санкциянгиз билан қамоққа олинган порахўрни Амнистияга чиқариб юборибди» деб, оловга мой сепган. Гўё М. Фозилов йириккина пора эвазига кўп миқдорда ўзлаштириш, пора бериш жиноят ишини хаспўшлаб, вилоят судига «қўпиб ёзиш» тариқасида чиқарган.

Дастлаб уларни О. Гайданов кабинетига олиб киришди. У «Ўғри, муттаҳам, юлғичлар, пул олиб, қамоқдан чиқариб юборгансанлар, сен ўзбеклар, баринг порахўрсан» деб ҳақорат қилди. М. Фозилов «Ким бўлсангиз ҳам, ўшқирмасдан, бақирмасдан гапиринг» деди. О. Гайданов креслосига ястаниб, унга бармоғини ниқтади: «Мен қамашга санкция берган порахўрни қўйиб юборишга қандай жазм қилдинг? Кимсан ўзи?!» деди.

—Кимлигимни билмасангиз, нега чақирасиз,—деди М. Фозилов.—Мен прокурорман, бақирмасдан, одамга ўхшаб гапиринг, бўлмаса хайр-маъзур!

—Ўн минг олиб, бўшатгансиз,—деди энди у сизлаб...

Сўнгра улардан тушунтириш хати ёздириб олди. Гайданов билан И. Читаков уларни А. Бутурлин олдига бошлаб киришди. Бутурлин дастлаб босиқлик билан саволлар берди. М. Фозилов ҳам босиқлик билан жавоб қайтарди. О. Гайданов А. Бу-

турлиннинг қулоғига нимадир шивирлади. Бош прокурорнинг кўзлари олайиб, М. Фозиловга «Тур ўрнингдан», деб буюрди.

—Сен кимга хизмат қиляпсан?

—Халққа хизмат қиляпман!

—Сен юлғичларга хизмат қиляпсан! Бўлмаса, юлғичларни каттасини, республика Бош прокурори ўринбосари қамаган Аҳмедовни қўйворасанми?! Пора олгансан! Сен ўзбеклар амални порага сотиб оласан!

—Сансираманг, бақирманг!—деди М. Фозилов.—Аҳмедовдан пул олганманми, йўқми, тергов аниқлаб берсин!

—Сени ўн-ўн беш йилга қаматиб юбориш қўлимдан келади,—жазавага тушди Бутурлин. М. Фозилов кулиб юборди.

—Суд қилмасдан, қанақа бўларкин?

Шунда вилоят прокурори А. Отажонов ўрндан турди. «Ўзингни бос» деди ўзбекчалаб М. Фозиловга.

—Мен етти ойдан бери ишлаётган бўлсам, у энг ишига пухта прокурорлардан,—деди Бутурлинга юзланиб.—Қонуний қарор қабул қилган.

Абдулла аканинг гапи билан Бутурлин бир оз шаштидан тушганида Гайданов яна оловни пуфлади:

—Нега бошқа вилоятларда қўшиб ёзиш, ўзлаштириш бор-у, Фарғонада йўқ?...

Республика прокурори Тошлоқ тумани прокурори М. Фозиловни ишдан бўшатишни, А. Мирзаев ва Н. Михеевга қаттиқ хайфсан беришни, А. Отажоновга «кўрсатиб ўтиш»ни буюрди.

Бош прокурор олдидан чиқиб, М. Фозилов И. Читаковга «Ниятингга етдингми, ифлос», деди. У мамнун тиржайиб, «Бош прокурор ўринбосари санкцияси билан қамалган одамни бўшатишнинг оқибати шунақа бўлади» деди.

Шундан сўнг Тошкентдан тергов гуруҳи келиб, Тошлоқ ва Охунбобоев туманларидаги бир қатор жамоа хўжаликлари раислари, ҳисобчиларига асосиз айблар қўйиб, пашшадан фил ясаб, жиноий жавобгарликка тортишга киришди. Тошлоқдаги



СУРАТЛАРДА: ҳозирда вилоят прокурори катта ёрдамчиси бўлиб ишлаётган М. Фозиловнинг ўша даврдаги сурати; Тошлоқ тумани прокурори лавозимида ишлаётганида терговчи А. Мирзаев (ҳозир Қувасой шаҳар прокурори) билан иш устида олинган тасвир.

«Беркитишга уринилган жиноят ишларини биз очдик» деб кўкрак кериб, Бутурлинга рапорт беришди. Жиноят ишларини судга оширишди. Кейинчалик ҳамма жиноят ишлари совун пуфагидай ёрилиб, терговга қайтди. Охунбобоев туманидаги собиқ Фрунзе, Куйбишев номли колхоз раислари оқланиб, ишга тикланди.

Орадан беш йил ўтиб, янги тайинланган Республика прокурори Усатовнинг 1990 йил 14 март кунги 152-сонли буйруғи билан Бутурлиннинг М. Фозиловни ишдан бўшатиш тўғрисидаги 1985 йил 8 июл кунги 508-сонли буйруғи асосиз ва қонунга хилоф бўлганлиги сабабли бекор қилинди.

A black and white portrait of a man in a military uniform, heavily decorated with medals and insignia. He is looking slightly to the right. The image is grainy and appears to be a reproduction from a document.

Собиқ СССР Олий суди ҳарбий
ҳайъатининг 1988 йил 30 декабри-
даги Сизни Ўз.Р. ЖК. 152-моддаси-
нинг 2-қисми билан айб-ли деб то-
пиб чиқарган ҳукми 1994 йилнинг 9
сентябр кўни Ўзбекистон Республ-
каси Олий судининг Пленумида на-
зорат тартибида кўриб чиқилди.

Суратда:
С. З. Собиров.

Ўзбекистон Республикаси Олий
судининг Раиси У. К. Минзбоев.»

Ниҳоят, орадан тўққиз йил ўтиб, кеч бўлса-да, адолат қарор топди. Ўтмишда, тарихда қолган бешафқат тоталитар тузумнинг яна бир бегуноҳ қурбони оқланиб, эл-юрт ичида юзи ёруғ бўлди. Тан жароҳати тез битади, дил жароҳати битиб кетарми-кан?! Тухматга қолган, айбсиз айбдор топилиб, ҳалоллиги ва ростгўйлиги учун жазога, азоб-уқубатга гирифторм қилинган кишининг юраги ноҳақликка дош бериши амру маҳол. Москвада, собиқ СССР Олий суди ҳарбий ҳайъати собиқ СССР Ички ишлар вазирлигининг иттифок, республика, вилоят миқёсидаги бир гуруҳ раҳбарларига нисбатан қўзғатилган жиноят ишларини кўраётган чоғда судланувчи, нафақадаги милиция генерал-майори Салим Зокирович Собировнинг юрак дарди тўсатдан хуруж қилди. Бўхтон ва уйдирмадан иборат «айблов»ни «далиллаш» учун Гдлян ва Иванов деган терговчилар уч йил мобайнида қамоқхонада сақлаб, ўтказган жабр-ситамлари,



**Судланувчига
тиббий ердэм
курсатилалти**

ганман. Ходимлар маошларида пул йиғиб олган соатни «пора» деб ҳисоблаш қайси ҳуқуқий нормага сиғади? Бошқа ҳеч қандай пул ёки совға бермаганман!—деб С.Собиров дастлабки терговдаги сўзларини айнан такрорлади.

—... Иш материалларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг собиқ Ички ишлар вазири Яхёевга пул, совға, ҳадя тарзида пора бериб тургансиз?!—деди судда раислик қилаётган М. А. Маров этирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.

—Агар вазирнинг юбилейида Фаргона вилоят ички ишлар бошқармаси шахсий таркиби номидан тилла соат топширганим пора саналса, бер-

...Суд жараёнидан уч йил аввал, 1985 йил бошида Тошкент шаҳрида уни прокуратурага чақиртиришди. Бир йил муқаддам у Хоразм вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи лавозимидан истеъфога чиққан, пойтахтда истиқомат қилаётганди.

—Таржимаи ҳолингиз, иш фаолиятингизни миридан-сиригача ўргандик,—деди Гдлян,—Оддий ҳайдовчиликдан милиция генерал-майоригача йўлни босиб ўтгансиз. Участка нозири, Фарғона шаҳар 1-милиция бўлими бошлиғи, шаҳар милицияси бошлиғи, вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари... 1967 йилдан 1974 йилгача вилоят ИИБ бошлиғи бўлгансиз. 1984 йили истеъфога чиққунгача 9 йил Хоразм вилояти ИИБ бошлиғи лавозимида ишлабсиз. Сиз ҳақингизда фақат яхши фикрлар билдиришяпти...

—Биламиз, тўғри ишлагансиз,—гапга қўшилди Иванов.—Ҳозирча, сизга доғ туширадиган биронта факт топганимиз йўқ. Лекин, сиз қўлларида ишлаган министрлар нопок одамлар. Қўл остидагиларга унвонларни, лавозимларни пора эвазига тақсимлашган. Бунга далилимиз бор. Ҳалол, тўғри одам сифатида терговга ёрдам беришингиздан умидвормиз. Тушунамиз, ишлаб турганингизда қўл-оёғингиз боғлиқ эди. Ҳозир пенсиядасиз, Яхёевни порахўрлигини очиқ айтишингизга ҳеч нарса монелик қилмайди...

Пора олаётганида, жиноят устида ҳибсга олинган Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг ОБХСС бошлиғи Дўстовни Гдлян ва Иванов собиқ СССР Бош прокурори ўринбосари тайинлаган тергов гуруҳига бош бўлиб, тергов қилган эди. Бу «мисли» қўрилмаган «ишни» собиқ иттифоқ марказий матбуот нашрлари, телевидениясидаги чиқишлари орқали пуфакдек шишириб, Ўзбекистонда мафия ҳукм сурмоқда, коррупция чуқур илдиз отган, деб жар солишганди. Ана шу «йўл» билан Марказнинг чек-чегарасиз ваколатларини қўлга киритиб, асоссиз шубҳа-гумонлар билан ИИБ бошлиқларидан тортиб, министрларгача қамашга киришишганди. Москванинг назарида

«қаҳрамон»ларга айланган муттаҳам-шуҳратпарастлар асоссиз ҳибсга олинганларни қўрқитув ва алдовлар ёрдамида бир-бирларига қарши сохта гувоҳлик беришга мажбурлашарди.

С.Собировни «суҳбат» га чорлаб, тилёғламалик билан «йўл кўрсатиш» лари бесамар бўлиб чиқди.

—Яхёев ҳалол раҳбар,—деди С.Собиров қаҳру қазабини аранг жиловлаб.—Кадрларни билими, тажрибасига, ишига қараб рағбатлантирган!

—Ҳар қалай, яқин кишиси бўлгансиз. Лавозимлар, унвонларга белгилаган «ставка»ларини билмаслигингиз мумкин эмас!

—Ҳа, иш юзасидан яқин бўлганман. Ойда бир коллегияларда қатнашганман. Туғилган кунда соат совға қилганман.

—Хоразмга ишга тайинлаганда қанча бергансиз?

С.Собиров шахт билан ўрнидан турди.

—Сизлар билан гаплашадиган бошқарувчи гапим йўқ!

1985 йил феврал ойининг бошлари, эрталаб эшик қўнғироғи жиринглади. Остонада икки киши турарди.

—Электр счётчикни кўриб қўййлик. Тўлов қоғозларини топиб беринг...

Турмуш ўртоғи (хотини вафот этиб, истеъфога чиққанда иккинчи бор уйланганди) ғаладонларнинг ичидан абонент дафтарчасини топиб, даҳлизга чиққанида, эшик очиқ қолган, С.Собиров уйда йўқ эди. Уни кийинишга ҳам қўймасдан, халатида машинага ўтқазиб кетишганди. Республика прокурори Бутурлин санкцияси билан ҳибсга олинган истеъфодаги милиция генерал-майорини Туркманистоннинг Хоразм билан чегарадош Тошҳовуз шаҳридаги қамоқхонага элтиб ташлашди. Аввал қамоққа олиб, сўнгра айб қўйиш учун далил ва гувоҳларни излашга киришишди. Хоразмда 9 йил ИИБ бошлиғи лавозимида ишлаган С.Собировнинг ҳурмат-эътибори баланд, гувоҳлар унинг фақат яхши сифатларини тилга олишарди. Гдлян қарши гувоҳ топишнинг «антиқа усулини» ўйлаб чиқарди. Унинг маслаҳати билан Хоразм вилояти прокуратураси кўча эшиги ёни-

га эълон ёпиштиришди:

«Вилоят ИИБ бошлиғи (собиқ) С.Собиров порахўрлик жиноятида айбланиб, тергов қилинмоқда. Унга пора беришга мажбур бўлган фуқаролар терговга кўргазма беришлари мумкин». Хизмат вазифасига кўра ҳуқуқбузар, жиноятчиларни жиноий жавобгарликка торган собиқ ИИБ бошлиғига тишини қайраб юрганлар бўлиши муқаррарлигини ёш бола ҳам билади. Шундайлардан бири—С.Собиров хизмат лавозимини суъиистемол қилгани учун ишдан бўшатган, судланиб, жазони ўтаб келган собиқ милиция ходими қасдма-қасдига жон деб «гувоҳлик» бера бошлади.

Генерал-майор қамоққа олинганидан кейин, унинг Фарғона шаҳридаги ўғли Бахтиёр Собиров яшаб турган ҳовли-уйларидан тинтув тергов ҳаракатини ўтказишди. Жиноят ишни юритаётган, СССР Бош прокуратураси (собиқ) тайинланган тергов гуруҳидаги «маълумотлар» бўйича бу уйда олтинлар, беҳисоб бойликлар яшириб қўйилган эди. «Йирик ов» умидида минг чақиримдан тапширф буюрган тергов гуруҳи аъзоларининг «иш-тахалари» бўғилиб, хафсалалари пир бўлди. Марҳум оналари—Сиёсатхон опага тегишли узук ва балдоқлар, сандиқда газлама-матолардан бошқа тергов учун аҳамиятли «далилий ашё» йўқ эди. Қандай қилиб бўлмасин «далил» топиши шарт тинтувчилар марҳумадан ёдгорлик буюмларни, ҳатто генерал-майорнинг қизлари тақиб олган тилла-узук ва балдоқларни «ишга» қўшмоқчи эдилар.

—Қўлларингни теккизма, — деди Бахтиёр. — Бўлмаса...

Марҳум онасининг буюмларга чанг солаётган «калхат»ларни шу тобда у ҳар нарса қилишга тайёр эди.

—Уйни шипшийдан қилиб кетсаларинг, қандай кун кўра-миз, — деди у сўнгра ўзини қўлга олиб.

—«Мерседес» машинасини қайси маошингга олгансан? — дўк урди гуруҳ каттаси.


КАМОҚХОНАДА ВАФОТ ЭТДИ

Камдан-кам юз берадиган фавқулодда вазият: Фарғона-Москва йўналишида ҳавога кўтарилган самолёт шаҳар узра бир доира ясаб, яна қайтиб аэропортга қўнди. Учувчилар қўнишдан аввал аэропорт диспетчерига зудлик билан «Тез ёрдам» чақиритишни тайинлашган эди. Самолёт трапи ёнига етиб келган «Тез ёрдам» машинасига чамаси эллик-эллик беш ёшлардаги беҳуш аёлни авайлаб олиб ўтиб, ётқиздилар. Бироқ... ҳакимларнинг шопилинч тиббий ёрдамларига эҳтиёж қолмаган, онахоннинг жони узилганди. Бир йил аввал қамоқхонада беҳос вафот этган умр йўлдошининг доғи уни юрак хасталигига чалитирган, ўғил-қизларининг, дилбандларининг сўзларига ерда қолдирмай, Москвадаги клиникада даволанишга қўниб, йўлга чиққанди. Балки, сўнгги сафарга отланаётганини кўнгли сезгандир, фарзандлари, неваралари билан хайрлашаётиб, кўзларида ёш ғилтиллаган, ўғил-қизлари буни марҳум оталарини эслаб кўнгли бузилганига йўйишганди. Бир йил ичида кетма-кет ҳам оталари, ҳам оналаридан айрилиб қолган фарзандларнинг дилидаги қайғу ҳасрат, дард-алам фарёд бўлиб, еру кўкни титратди. Маҳаррам опа касалхонада ётганида кўргани борган кенжа қизига «Дадангизни қўйлагини дазмоллаб қўйинг», дерди. Унинг наздида Обиджон ака тирик, оламдан ўтганига кўника олмасди. Опани умр йўлдошининг ёнига қўйдилар...

Эллик тўққиз ёшида узилган Обиджон ака салкам қирқ йил Тошлоқ пахта тозалаш заводида ишлаб, бирон марта соғлиғидан, бирон жойи оғриганидан нолимаган, ўзини врачларга кўрсатиб ёки касалхонада ётиб даволанмаган, тетик, бардам, бақувват киши эди. Корхонада пахтани қабул қилиб, саралаб олувчи оддий ходим бўлиб ишлаган, очиққўнғил ва соддадил Обиджон акани 1985 йил феврал ойининг бошларида Марғилон шаҳар, Машад маҳалласи, М.Узақов номли кўчадаги ховли-уйларидан беҳос қамоқхонага олиб кетишди. Собиқ СССР

прокуратурасининг терговчилари Гдлян ва Иванов бошлиқ тергов гуруҳи Ўзбекистоннинг барча вилоятларида, шу жумладан Фарғонада зўр бериб «пахта ишини» титкиламоқда эди. Москвадан ташланган «десантчи»лар, вилоят прокурори ўринбосари Галкин, иттифоқ прокуратураси ходими Салаутдинов колхозларнинг раислари, бош ҳисобчилари, ҳосилотларидан тортиб, пахта тайёрлаш пунктлари, пахта заводлари ишчи-хизматчилари ҳамда раҳбарларини мажбурий «икрорлик» чигиринидан ўтказиш «режа»сини ошириб бажаришга бел боғлаган кезлар эди. Асоссиз ҳибсга олинган «гумондорлар»га диктовка—айтиб туриб «икрорнома» ёздириб, имзо чекишга мажбурлашарди. Барчага барабар «пахтани кўшиб ёзиш», «ўзлаштириш» ҳамда «пора олиш»-«пора бериш» айби тиркалмоқда эди. Терговчининг сўроғидан камерага қайтиб кириб ётган Обид ака ўзини ўйламас, «Болаларимга нима бўлади, қамалган фалончининг ўғли ёки қизи, деган иснодни қандай кўтариб юришади?» деб юраги эзиларди. Эҳтимол, ана шу дард уни адоий-тамом қилгандир?! Ҳибсга олинганига бир ҳафта тўлмай Обид ака қамоқхонада вафот этди. Унинг, у билан бирга қамалган йигирма олти нафар корхона ходимларининг гуноҳи нима?

Русларнинг «балиқ бошидан ирийди», деган мақолини эслаш ўринли. Ўтган аср 60-йилларининг бошида СССР давлатининг собиқ етакчиси Н. Хрущёв ўн-ўн беш йилда қарама-қарши қутб, Америка Қўшма Штатларидан саноат ва қишлоқ хўжалиги, барча соҳаларда ўзиб кетиш шиорини ўртага ташлаган,



ундан кейин ўтган Л. Брежнев ва бошқа «доҳий»лар ана шу «сиёсий йўл»ни давом эттиргандилар. Давлат статистика бошқармаси ахборотларига кўра, саксонинчи йилларда собиқ СССР кўмир ва нефть қазиб чиқаришда, чўян ва пўлат қуйишда ва яна бир қатор соҳаларда дунёда биринчи ўринга чиқиб олган, бу «оламшумул» кўрсаткичлар барча фуқароларда «фахр-ифтихор» туйғуларини уйғотиши лозим эди. Пахта етиштиришда ҳам дунёда етакчи бўлиш вазифаси қўйилган, «доҳийлар» Ўзбекистондан қандай бўлмасин «оқ олтин»ни кўпайтиришни талаб қилиб, қисти-бастига олардилар. Кўзбўямачилик билан «рапорт» беришдан бошқа чора йўқ эди. 1984 йили пахта терими мавсумида Фарғонага Ўзбекистон Компартияси Марказқўмидан (собиқ) республика Министрлар Кенгаши раиси масъул этиб тайинланганди. Масъул давлат арбоби маҳаллий раҳбарлардан, пахта тайёрлаш пунктлари ва заводлари бошлиқлари, колхозларнинг раисларидан иложи йўқ ишни—пахтани кўпайтиришни талаб қиларди. Буни уддалай олмайдиган раҳбар ишдан ҳайдалибгина қолмай, таъқиб-тайзиққа дучор бўларди. Фатхиддин ака Тожибоев 1982-1985 йилларда Тошлоқ пахта тозалаш заводининг директори лавозимида ишлаганди. 1985 йил 14 феврал куни уни Галкиннинг санкцияси билан қамоққа олишди.

—Қува пахта тозалаш заводи директори Каримов бир кун аввал ўз жонига қасд қилган, жанозадан қайтиб келгандик,—деб эслайди Ф.Тожибоев.—Ишхонадан мени қамоқхонага олиб кетишди. Мендан ташқари бош ҳисобчи, маҳсулот сотиш бўлими бошлиғи, етгита пахта қабул қилиш пунктлари бошлиқлари ва ҳисобчилари, жами йигирма етти кишини қамаб, тергов қила бошлашди. Юқоридан тайзиқ остида 1984 йил терим мавсумида ҳақиқатда қабул қилинган пахта хом ашёсини статистика ҳисоботларида ошириб кўрсатишга мажбур бўлгандик. Бироқ 96 минг тонна пахта ичида қўшиб ёзилган 13 минг тонна хом ашёга накладной-юк хатлари ёзилмаган, корхонага ки-

рим қилинмаган, пул тўланмаган, давлат маблағлари сарфланмаган, давлатга ҳеч қандай зиён етказилмаганди. Ўша куз ўзимиз ҳам дала айланиб, пахтазорларни кезгандик. Пахтанинг ўзи йўқ, вилоят, республика раҳбарлари эса буни кўришни, тушунишни истамас, план ва мажбуриятни бажарасан, деб бўйнимиздан гиппа бўғиб олишган эди. Ноилож, фақат статистика идораси учун маълумотларда аслида 10 тонна қабул қилиниб, 10 тоннага юк хати-накладной ёзилган пахтани 11 тонна қилиб кўрсатгандик. Раҳматли Обид ака Одилов, бошқа пахтани қабул қилиб олувчи ходимларимизнинг ҳеч қандай айби йўқ, бизнинг гапимиз билан статистик маълумотларни кўпайтириб ёзишганди. Накладной ёзилмаган пахтага пул ҳам тўланмаган, давлатнинг бир сўмига хиёнат қилмаганмиз. Ўша пайтда кўнглим сезиб, масъул раҳбарлардан бирига йўқ пахтани бор қилиб кўрсатяпмиз, бунинг жавобгарлиги бор-ку, десам, буёғи билан ишингиз бўлмасин, деб хотиржам қилишга уринганди...

Тергов етти-саккиз ой давом этди. 1985 йил кеч кузида Марғилон шаҳридаги «Ватан» кинотеатри биносидан суд бўлиб ўтди. Суд жараёнида судланувчиларга «қўшиб ёзиш» айби қўйилди. Ф. Тожибоев ва корхонанинг бошқа мутахассислари турли муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

—Тошкент вилоятидаги қамоқхонада йигирма ой ётдим,—сўзида давом этади у.—Кейинчалик ноҳақ ҳукм қилинганимиз исботланди. Республика Олий судининг аъзоси Полвонзада «пахта иши» билан ноҳақ судланганларни Тошкентда йиғиб,



Айбсиз
айбдорларнинг
қинлари қайғуга
ботган...

йўл қўйилган хато учун узр сўради. Ҳаммамизга иш ҳақларимиз тўлиқ тўланиши, ишга қайта тикланишимизни айтиб, энди бемалол ишлайверинглар, деди. Лекин мен қайта директор бўлиб ишлашни истамадим...

Ф.Тожибоев ҳозир ўша корхонанинг қурилиш бригадасида ишляпти. Олтмиш саккиз ёшга кирган, лекин қўл қовуштириб ўтиришни хоҳламайди.

Машъум «пахта иши»нинг, «ўзбек иши»нинг қурбонларидан бири—Обиджон ака Одилов ҳаёт бўлганларида етмиш етти ёшга кириб, ўғил-қизларини уйлаб-жойлаб, орзу ҳаваслари ушалиб, невара-чеваралари даврасида юрарди. Қизлари Муборакхон, Фаридахон, Ўйтиборхон, Раънохон, Шоҳидахон, ўғиллари Адҳамжон ва Бахтиёржоннинг дилларида ҳаётдан бевақт кўз юмган ота-оналари етишолмаган ёруғ кунлар армон бўлиб қолди.

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ

У қош қорайганда ҳам уйга қайтмади. Оиласи—турмуш ўртоғи, болалари хавотирга тушишди. Бундай кеч қоладиган одати йўқ эди. Бир йил-у уч ой қамоқхонада ётиб, суд ишни терговга қайтариб, озодликка чиққанидан сўнг одамови бўлиб қолган, кўчага камдан-кам чиқар, бемаҳал юрмасди. Ўғиллари сўраб-суриштиришди. Уни сўнгги марта колхознинг трактор парки ёнида кўришганди. У тушкун бир кайфиятда, танишларига «Яна сўроққа чақирди, яна ўша гап, бўлди, энди қамоқхонага қайтиб тушмайман» деганди. Яқин атрофдаги хонадонлардан сўрашди, ҳамқишлоқларидан бири «Гараж ёнидаги битмаган уйга кириб кетгандай бўлди, ортидан у кишими, бошқа кишими, танимадим» деди. Ҳеч ким яшамаётган, чала қурилган уйга киришди-ю... Сўроқ-саволлар, дўқ-пўписалар жон-жонидан ўтиб кетган Иброҳимжон ака ўзини осиб қўйган эди...

Раҳматли Иброҳимжон ака Маллабоев асли Ахшак қишлоғилик, собиқ Куйбишев (ҳозирги Алишер Навоий номли шир-

кат хўжалиги) номли колхозда пахта топширувчи вазифасида ишлар, эллик ёшларга бориб қолганди. Дастлаб 1985 йил декабр ойи ўрталарида яна сўроққа борганида уни қамадилар.

Ўша пайтдаги Тошлоқ тумани прокурори М. Фозилов гўё «жиноятларни беркитмоқчи бўлгани» учун лавозимидан бўшатилагач, Тошлоқ пахта тозалаш заводидан ташқари бир неча жамоа хўжаликларида ҳам жиноят иши очилиб, собиқ СССР прокуратураси тайинлаган гуруҳ тергов қилмоқда эди. Гуруҳ «пахта иши»ни — порахўрлик, ўзлаштириш, «қўшиб ёзиш» жиноятларини «фош этиш»да алоҳида «жонбозлик» кўрсатаётганди. И. Маллабоевдан сўнг 1986 йил 16 январ куни колхознинг бош ҳисобчиси Мамадали Усмонов, 22 январ куни раис Тожибой Одилов ҳибсга олинди.

— Қамоққа олгунларича икки-уч ой терговда сўроқ бердик, — деб эслайди М. Усмонов. — Колхозда ўтказилган тафтишда Давлат статистика идорасига тақдим этилган маълумотлар билан аслида этиштирилган пахта хом ашёси орасидаги фарқ аниқланиб, жиноят иши қўзғатишга асос бўлганди. 1984 йили ҳақиқатда юқори партия, давлат ташкилотлари талаби, тайзиқи остида статистика ҳисоботларида териб олинган пахтани асл миқдорига нисбатан 15-20 фоиз кўпайтириб ёзгандик. Терговчи вилоятдаги, республикадаги қайси раҳбар қўшиб ёзишни буюрганини айтиб, ёзиб берасан, деб юз кўйга солди. Ҳеч ким ёзма буйруқ берган эмас, десам, «Пахтани пулини олиб, сенлар ўзинг ўзлаштиргансанлар, колхозчиларга иш ҳақи берилди, деб имзо чектириб олгансанлар» деган айбни қўйишга уринди. Аслида пахта заводи биз топширган хом ашё тоннасини кўпайтириб ёзган, лекин йўқ пахта учун маблағ ўтказмаган, теримчиларга иш ҳақи ҳам тўланмаганди. Мени жавобларим бошқа, сўроқ баённомасидаги ёзувлар бошқа бўлгани учун унга имзо чекаётиб, «Менинг сўзларимдан ёзилмади», деб қайд қилиб қўйдим...

Гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган бригада бошлиқлари, та-


белчилар, оддий колхозчилар терилмаган пахта учун иш ҳақи тўловномалари тузилмагани, уларга имзо чекмаганлари, терим пулини олмаганларини таъкидлашарди. Бироқ Тошкентга, «пахта иши штаби» бошлиғи И. Читаков, тергов бошқармаси бошлиғи О. Гайдановлар орқали республика прокурори А. Бутурлинга «Собиқ район прокурори очмаган ишни биз очдик» деб рапорт беришга улгурган терговчи айбланувчиларнинг «айби»ни исботлаш учун бор «маҳоратини» ишга солаётганди.

Колхоз раиси Тожибой Одилов терговда пахта қўшиб ёзилганини инкор этмади. Бироқ шон-шухрат орттириш ёки жамоа хўжалиги маблағларини ўзлаштириш учун эмас, вазият тақозосига кўра шундай қилишга мажбур бўлганини таъкидлади. Ундан ҳам қайси раҳбар мажбурлаганини ёзиб беришни талаб қилишар, бироқ раис барчага баравар шундай кўрсатма бўлган, деб оёқ тираб олганди. У 1981 йили раис этиб сайлангунига қадар район агросаноат бирлашмасида ишлаган, уч-тўрт йилда иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган хўжаликни оёққа турғазилшга кўп меҳнати сингган эди. Шунинг учун хўжалик аъзоларининг унга ҳурмат-эътибори баланд, ноҳақ қамалгани бўшатишни сўраб СССР Олий судига (собиқ) юзлаб имзолар билан аризалар жўнатишганди. Бироқ, аризалар яна О. Гайданов, А. Бутурлинлар қўлига қайтиб келар, яна хўжалик мулкани талон-тарож этганига «икрор» қилдиришни кўзлаб тегирмон тоши каби руҳини эзгилаб, янчишга уринишарди.

— Акам раҳматли қамалишидан аввал дадамни олдиға кирганди, — деб эслайди фельдшер бўлиб ишлаган, ҳозир нафақадаги Қодиржон ака Отажонов. — «Ота, менга ҳеч нарса қилмайди, ҳалқни бир тийинига кўз тикканим йўқ», деганди. «Ҳақиқат барибир чиқади, сизга укаларим қараб туришади». Раҳматли дадам акамни очикда қолдириб, тергов қилишни сўраб аризалар ёзди. Лекин, уруш ногиронининг илтимосномалари ҳам инобатга ўтмади. Аммо, вилоят прокурори Отажонов яхши одам экан. Дадам билан қабулиға бордик. Дадам-

нинг ҳурмати уни ўрнига қўйиб, арзини тинглади. «Сиёсат бу, отахон, яқин орада ўғлингиз чиқади», деб далда берди. Айтганидай, бир ой ўтмасдан Тожибой акам, Мамадали ака ва Иброҳим акалар уччаласи тўғри уйимизга кириб келишди. Дилимиз чароғон бўлиб кетди. Дадам вилоят прокурори Отажоновни қайта-қайта дуо қилди...

1987 йил баҳор кунлари вилоят суди Тошлоқ суди биносида



Т. Одилов, М.Усмонов ва И. Маллабоевга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини кўрди. Суд жараёнида уларга қўйилган айблар тасдиқланмай, қайта терговга юборилди. Айбланувчиларга энди «тилхат орқали очикда қолдириш» эҳтиёт чораси қўлланиб, оилалари бағрига қайтишди.

Ўша йил апрел ойининг бошларида улар қайтадан

сўроқ-саволлар чиғирига рўпара бўлишди. Ўшанда терговчининг дастлабки сўроғидан чиқибок И. Маллабоев ўз жонига қасд қилди. Бу «пахта иши» - «ўзбек иши»нинг биринчи ва сўнгги қурбони эмасди. Ушбу чиғириқдан ўтган қанча-қанча кишилар беайб жавобгарликка тортилганлари тасдиқланганидан кейин ҳам қамоқхоналарда орттирган хасталиклари оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмдилар.

Тергов яна икки ярим йилга чўзилди. Ниҳоят ушбу мавҳум жиноят иши 1990 йил ёзининг бошида Фарғона вилоят судида кўрилди. Суд жараёнида Т. Одилов ва М. Усмоновга тергов қўйган, пахта терими учун тўланган 38 минг сўмни ўзлаштириш жинояти тасдиқланмади. Суд уларни пахтани «қўшиб

ёзиш»да айбдор деб топди. Амнистияга асосан, жазони ўташдан озод этди. Т.Одилов ва М.Усмонов салкам беш йил мобайнида бошларидан кечирган азоб-уқубатлар ортда қолди. Раис район агросаноат бирлашмасида мутахассис бўлиб ишга жойлашди. М.Усмонов эса колхоз идорасида ҳисобчи лавозимида ишлашда давом этди.

— Иброҳимжон ҳар нарсани юрагига яқин оларди, - деб хотирлайди М.Усмонов. — Қайта тергов бошланганда диққати ошиб, тажанг бўлиб қолди. Сизни ҳеч қандай айбингиз йўқ, фақат буйруқни бажаргансиз, деб тасалли бердим, ўшанда. Бироқ, уни асраб қололмадик...

ҲАРАКАТДАН ЁТҚИЗИЛГАН ИШ...

Фозилжон ака Йўлчиев 1990 йили, эллик тўққиз ёшида вафот этди. Тўққиз ой қамоқхонада ётиб орттирган бедаво касалликлари оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмди. У қилмаган гуноҳи учун «Авф» этилиб, қамоқхонадан чиққанидан сўнг, колхоз гаражида диспетчер бўлиб ишлаётган эди. Иш билан овуниб, дардни енгишга харчанд уринмасин, армонда кетди. Мустамлака кишанларидан озод бўлган юртимизда адолат қарор топиб, «ўзбек иши» нинг ўттиз минг нафардан зиёд мазлум-маҳкумлари юзи ёруғ бўладиган кунларни кўра олмади.

У колхоз раиси, бош ҳисобчиси, бригада бошлиқлари қатори гумонланувчи тариқасида СССР Бош прокуратураси тайинлаган тергов гуруҳи томонидан етти-саккиз ой сўроқ қилинган, 1986 йил 8 сентябр куни эҳтиёт чораси қўлланиб, қамоққа олинганди. Қамалганидан сўнг у яшаган Марғилон шаҳар, ҳозирги Мустақиллик кўчасидаги 1-уйда тинтув тергов ҳаракатини ўтказишди. Ўшанда ўғилларидан бири Содикжон ҳарбий хизматдан қайтганди. Одатда ҳарбий хизматдан бўшатиш билан йигитлар хизмат жойларидан эсдалик совға олиб келишади. Содикжон ҳам эсдаликка пичоқчалар келтириб, сервантга қўйганди. Совға-пичоқ «совуқ қурол» ўрнида ашъвий далил сифатида оли-

ниб, «ишга» қўшилди. Ҳар эҳтимолга қарши Фозилжон акага «совуқ қурол»ни сақлаганлик» айби ҳам тиркалди. Бошқа ҳолатлар тасдиқланмаган ҳолда, ушбу айб қамоқда сақлашга «асос» ролини ўташи лозим эди. Колхоз кассири-ғазначисининг уйдан «пахтани қўшиб ёзиш» га алоқадор ҳужжатлар ёки «қўшиб ёзиш» орқали «ўзганинг мулкани ўзлаштириб» орттирган кўп миқдорда мол-дунё чиқмади. Фозилжон ака Йўлчиевдан кейин орадан кўп ўтмай колхоз раиси Абдурахмон ака Абдуқодиров ҳибсга олинди. Тергов гуруҳи унинг уйида, яқин қариндошларининг уйида тинтув ўтказди. Раис номидаги «Жигули» енгил машинаси акасининг уйида эди. Машинанинг калитини олиб қўйишди. Бироқ ушбу «далилий ашё»ни жиноят ишига қўйишнинг иложини қилишга олмади. Чунки, «Жигули» машинаси А.Абдуқодировга беш-олти йил илгари бошқа колхозда раис вазифасида ишлаб юрган кезлари, пахта тайёрлаш план ва мажбурияти биринчилар қатори бажарилгани учун мукофот тарзида берилган, Фрунзе номли (ҳозирги А.Яссавий номли ширкат хўжалиги) колхозда очилган жиноят ишига алоқадор эмасди. Терговдаги «маълумотлар»га кўра, раис, бош ҳисобчи, ғазначи, бригада бошлиқлари Тошлоқ пахта тозалаш заводи пахта пункти масъул ходими Н.Йўлдошев билан ўзаро тил бириктиришиб, «ҳаводан пул ясашган», яъни масъул ходимга пора беришиб, топширилмаган пахтани ҳисобига пул олишиб, ҳужжатларини сохталаштиришиб, колхоз маблағларини кўп миқдорда ўзлаштиришганди. Бироқ терговда ҳужжатли далиллар йўқ эди. Чунки, юқори идоралар тайзики остида пахта тайёрлаш маълумотларига қўшиб ёзилган, тонналари ошириб кўрсатилган бўлса-да, бунинг учун колхозга завод маблағ ўтказмаган, аслида йўқ маблағни «ўзлаштириш» раиснинг, бошқа гумонланувчиларининг ҳаёлларига ҳам келмаган эди.

Терговчилар айб қўйиш учун етишмаётган далиллар ўрнини гумонланувчиларнинг тайзиқ остида бераётган кўргазмалари билан «тўлдиришарди».

— Абдурахмонжон асл деҳқон эди, - деб хотирлайди ўша пайтларда бригада бошлиғи бўлиб ишлаган Мастура опа Абдурахмонова. — Ҳозирги баъзи раисларга ўхшаб, идорада ўтирмасди. Дала кезиб чарчамасди. Нима камчилик, нима муаммо бўлса, ҳамма ишни бригадани ўзида ҳал қиларди. Ўшанда мени ҳам кун ора сўроққа чақириб, раисга қарши гувоҳлик беришга ундашган. Содда одам, бор гапни гапирамиз-да. Бригадамизда 80 гектарга пахта экилган, 75 нафар аъзолар ишлашган. Бирда, Абдурахмон «Планингизга етмаётган уч ярим тоннани бошқа бригадалар ҳисобидан сизга ёздириб қўйдик, уларга қарзингизни тердириб берасиз» деганди. Терговчи шу гапга ёпишиб олди. Болам тенги бўлатуриб, юзимга айтмагани қолмади. Юлғич, муттаҳамга чиқариб қўйди мени. Қирқ беш йил далада ишлаб, пенсона тери билан ҳалоллаб еганмиз, бир бурда нонимизни. «Йўқ пахтани пулини олиб, раис билан бўлиб егансан» дейдими-ей! Раҳматли Абдурахмонжондақа ҳалол одам борми?! Нима бўлса, колхозга бўлсин, колхозчига бўлсин, деб елиб-югурарди. Эй, у кўрган кунларимиз! Елкамиздан кетмон тушмай, шунча гапга қолдик. Раисни оши ҳалол, бизни ошимиз ҳалол эди... Ўттиз минг сўм пенсия оламан. Ният қилган эдим, пенсиямни йиғиб юриб, Умрага бориб келиш насиб этди! Барибир ҳақиқат чиқади. Ҳақиқат бўлганидан кейин, баъзилар ўша сизни ҳақоратлаган терговчини олдига бориб, энди нима деган одам бўлдинг, демайсизми, деб маслаҳат беришди. Нима хожати бор? Уям ўша сиёсатни йўлига юрган-да!


А.Абдуқодиров тергов бошлангандаёқ лавозимидан бўшатилиб, унинг ўрнига ўша пайтдаги колхоз бош аграноми Одилжон Йўлчиев раис этиб сайланганди. Тергов гуруҳи унга ҳам тайзиқ ўтказишга уринди. «Бригада бошлиқларини, колхозчиларни йўлга солинг, раисга қарши гувоҳлик беришсин» деб талаб қилишди. Бироқ О.Йўлчиев «Мен аралашмайман, ўзлари билиб, тўғриси гапиришади», деди. Шундан сўнг отаси-ғазначи Фозилжон ака Йўлчиев қамоққа олинган, ҳали бир йил

ишлашга улгурмаган раисни колхозчиларнинг умумий йиғилишида бўшагадиган бўлишди. Йиғилиш қарийб беш соат давом этди. Кўпчилик «обком», «райком»нинг раисни ишдан олиш таклифига қарши чиқди. Ниҳоят, О.Йўлчиевнинг ўзи «бўшаш ҳақида ариза берганман» деди.

— Абдурахмон акага қўйилган айблар уйдирма эди, - дейди айни чоғда Охунбобоев туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси бўлиб ишлаётган О.Йўлчиев, - Терим мавсумида бир кунда 0,50 фоиз пахта териб топширилган бўлса, юқоридан 1 фоиз қилиб кўрсатишни буюришган. Йил охиригача ўрни чиқади-ку, деб ошириб кўрсатишга мажбур бўлишган. Раҳматли дадамга қўйилган «қўшиб ёзиш»дан тушган пулларни «ўзлаштириш» жинояти ҳам тасдиқланмади. Бир неча марта суд бўлиб, иш терговга қайтди. Ниҳоят тергов жараёнида «Амнистия» муносабати билан ишни ҳаракатдан тугатишди. 1987 йил охиirroғи бўлса керак, Абдурахмон ака билан дадам қамоқдан чиқиб келишди...

— Дадамни барча судларида қатнашдим, - дейди раҳматли Абдурахмон ака Абдуқодировнинг қизи Мўнисхон. — Уччала суд ҳам бузилди. — Терговда кўрқув остида гувоҳлик берган кўпчилик судда бутунлай башқача гапиришди. Дадамга қарши гувоҳ чиқмади...

— Дадам раҳматли қамоқдан чиқиб келганларида, иш билан ўтаверибман, сизларга қарамабман, дегандилар, - деб эслайди катта қизи, ҳозирда Охунбобоев туманидаги 17-ўрта мактаб директори Тожиҳон Абдуқодирова. — Шунақа ҳалол, ишга берилган эдиларки, ўнингчи синфни битирганимни ҳам билмай қолишди. Ўқитувчи бўлмоқчиман, институтга кираман десам, бу йилча яхшилаб тайёрланиб, келгуси йили уриниб кўринг, менга умид боғламанг, дегандилар. Бир дада, мени директорликка тайинлашмоқчи, десам, ҳалқ таълими бўлимига бориб, йўққа чиқариб келишувди. Ўшанда тушунмаган эканман, кўпчиликка бош бўлиш қанчалик машаққатли ишлигини...



1989 йил август ойида А.Абдуқодировнинг вилоят прокурори А.Отажоновга ёзган аризасига келган жавоб хатида текширишда колхоз мулкани талон-тарож қилиш бўйича унга қўйилган айб тасдиқланмагани учун ишнинг ушбу қисми бекор қилингани, бироқ унинг ўзи иқдор бўлган пахтани «қўшиб ёзиш» бўйича иш Амнистия муносабати билан тергов даврида ҳаракатдан тўхтатилгани таъкидланган эди...

Собиқ СССР таназзулининг сабабларидан бири — маъмурий-буйруқбозликка асосланган «планли» иқтисодиётнинг «қўшиб ёзиш» илллати нафақат пахтачиликни, турмушнинг барча соҳаларини қамраб олган, А. Абдуқодиров, Ф. Йўлчиев ва бошқа «ўзбек иши» маҳкумлари ўзлари билмаган ҳолда ана шу гирдобга тушиб қолган эдилар...

«Адолат йўли» кутубхонаси

Муҳаррир — Қ. АҲМАДАЛИЕВ
Мусахҳиҳ — Д. АКБАРОВА
Тех. муҳаррир — А. РОЗИҚОВ
Мусаввир — И. ЙЎЛДОШЕВ

Теришга берилди 4.01.2004 й.
Босишга рухсат этилди 14.02.2004 й.
Ҳажми 2.06.т. Бичими 1/16. Адади 2000.
Буюртма 253.

«Фарғона» нашриёти. 712014. Фарғона шаҳри,
Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

**Китоб «Адолат йўли» ҳафтаномаси
таҳририяти компютерида терилди ва
саҳифаланди. Манзил: Фарғона шаҳри,
Хўжанд кўчаси, 5.**

Тайёр диапозитивлардан «ANDIJON NASHRIYOT-
MATBAA» ОАЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Андижон шаҳри,
Навоий шоҳкўчаси, 71.